# XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА



**XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТИ**

**Шу кунларда андижонлик тўқувчиларнинг фикру-зикри Москвада. Бугун ўз ишини бошлаётган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатлари орасида уларнинг вакили Манзура Муҳиддинова ҳам бор.**

**Андижон ип-газлама комбинати коллективи илғор тўқувчи, моҳир мутахассис, ёшлар устози Манзура конференция ишида муваффақиятли иштирок этишига тилакдош. Ҳамкасблар делегат ўрни билиниб қолмаслиги учун ҳар кунгидан унумлироқ ишлашга ҳаракат қилишмоқда.**

**Р. Ашуров** фотоси (ЎзТАГ).

## РАСМИЯТЧИЛИКДАН ВОЗ КЕЧАЙЛИК

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ташкилотларининг қайта қуришга раҳбарлигини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди, ҳаётимизда туб бурилиш программасини белгилаб беради, деган умиддамиз.

Кейинги йилларда жойларда амалий ишлардан кўра расмиятчилик авж олиб кетди. Область ва республика миқёсидаги ташкилотлар ҳам конкрет иш ўрнига қоғозбозлик билан шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши билан астойдил қизиқмадилар. Бу эса одамларнинг айрим раҳбарларга нисбатан ишончини сусайтирди.

Партия ташкилотлари идеология ишлари билан шуғулланиш ўрнига кўпинча хўжалик масалаларини бажаришдан бошлари чиқмай қолди. Шунинг оқибати бўлса керак, область, шаҳар ва район партия ташкилотлари раҳбарлари қуйи коллективларга келганларида одамлардан ҳолинг нечук, уй-рўзғоринг тинчми, соғлиғинг яхшими, деб сўраш ўрнига смена топшириғини қандай бажаряпсан, янги системага ўтдиларингми, нечта машинани бошқаряпсан, дея тергайдиган бўлиб қолган эдилар. Ҳолбуки, айниқса, партия ходимлари одамлар билан уларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси билан, билим малакасини ошириш билан шуғулланишлари лозим эди. Буни биз фабрикамиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Тўғри, авваллари корхонамизда ишчиларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувига унчалик эътибор берилмасди. Машғулотлар расмиятчилик учун ўтарди. Ҳаётнинг ўзи — қайта қуриш ва янгиланиш даври бу турғунликка барҳам берди. Бунинг устига хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтиш юксак даражада уюшқоқликни, тартиб-интизомни, ҳар бир кишидан ўз функциясини онгли равишда бажаришини, ижодий ва меҳнат ташаббускорлиги кўрсатишни тақозо этмоқда. Шу маънода фабрикамиз иқтисодий ўқувни тўғри йўлга қўйиш орқали тўла хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш каби хўжалик юритишнинг янги методини ўзлаштиришга эришди.

Сўнгги пайтларда фабрикада инсон омилини активлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Бу деган сўз ҳамма ишлар жойида, деган маънони бермайди. Партия ташкилотларимизнинг идеология соҳасидаги фаолиятидан қониқиш ҳосил қилмаётганлигимизни обкомнинг ўтган пленумида ҳам айтган эдим. Иқтисодий ўқувлар ҳамиша ҳам самарали ўтмайди. Айрим пропагандистларимизнинг билим даражаси жуда паст. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида ишлаш талаб даражасида эмас. Бу борада шаҳар ва қолаверса область хотин-қизлар Совети фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Ана шуларнинг оқибатида хотин-қизлар ўртасида айрим районларда ўз-ўзига ўт қўйиш фактлари рўй беряпти. Бир сўз билан айтганда хотин-қизлар Советлари кўп иш қилишлари мумкин-у, амалда улар қуруқ расмиятчиликдан воз кечишолмаяпти.

Яна бир нарсани айтмоқчиман. Партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари орасида бюрократик кайфиятда юрган кишилар ҳамон учрамоқда. Улар тарбиявий ишларда кам иштирок этадилар, ишчилар орасида камдан-кам бўладилар. Ўз қўл остидагиларни қандай турмуш кечираётганлиги билан қизиқмайдилар. Менимча, бу ҳам партия ташкилотларимизнинг раҳбар кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги ленинча принципларга тўлиқ амал қилмаётганликларини кўрсатади. Қолаверса бу корхона ва ташкилот раҳбарларига нисбатан партиявий талабчанлик, ижрони текшириш ва назорат қилиш сусайиб кетганлиги оқибати, деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, партиямизнинг улуғвор анжумани қатор йиллар ҳукм суриб келган бу камчиликларга барҳам бериб, навбатдаги вазифаларни аниқ белгилаб беради.

**И. АБДУЛЛАЕВА,**
**Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси ишчиси, Қашқадарё область партия комитетининг аъзоси.**

*• Диққат, тажриба!*

## Ишчи назорати

Жалолқудуқ районидаги Ёрқишлоқ тикувчилик фабрикасида технологик жараёнида бажарилаётган 36 та операцияни бевосита ишчиларнинг ўзлари назорат қилмоқдалар. Ҳар бир тикувчи ўзи бажараётган операциядан олдинги операция қандай амалга оширилганлигини текшириб кўради. Шу тариқа маҳсулот сифати учун аввалгидек мастернинг ўзигина эмас, балки бутун бригада жавоб беради. Бинобарин, бригадада моддий манфаатдорлик ишнинг сифатига бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

Янгиликнинг шарофати дастлабки ойдаёқ яхши самара берди. Планга қўшимча 3 мингта тикувчилик буюмлари ишлаб чиқарилди. Юз процент маҳсулот биринчи тақдимдаёқ топширилди. Савдо ташкилотларидан эътирозномалар келмади. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи тикувчилар энг яхши натижага эришмоқдалар. Фабрика коллективи мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болаларнинг кийимларини ишлаб чиқариш юзасидан йилнинг олти ойига белгиланган топшириқни XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси арафасида бажарди.

**К. НИШОНОВ.**

## ШАХСИЙ ФИКРИМ

Яқинда «Совет Ўзбекистони»нинг 13 май сонида босилган «Деҳқонга фармон шартми?» сарлавҳали публицистик мақолани ўқиб, жуда таъсирландим. Ҳа, ҳозир фақат деҳқонга эмас, хўжаликлардаги ишчи ва мутахассисларга ҳам, кабинетда ўтириб буйруқ берадиган раҳбарлар кўп... Шу боис бугун ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Маълумки, бугунги кунда ҳамма жойда ўз-ўзини маблағ билан таъминлашнинг ишончли йўли — бригада пудрати ва оилавий пудрат яхши натижалар бермоқда. Шунга қарамай, айрим совхоз раҳбарлари ҳануз эскича иш тутмоқдалар.

Масалан, бизнинг Киров номли совхозда мутахассисларни баъзан 10-15 кунлаб узоқ участкаларга ҳар хил хўжалик ишларини бажаришга жалб этишади. Сенаж тўплаш, хашак ўриш, силос бостириш, хирмонда ғалла тозалаш, баҳор кезлари токларни очиш, кўмиш сингари юмушлар уларсиз битмайди. Масалан, бирор қурилиш объектида иш кетаётган бўлса, шу ишнинг ўз мутахассислари четда қолиб, вазифаси мутлақо бошқа касбдаги кишиларга, айтайлик, слесарь ёки шофёрларга «ҳашар» деган ниқоб билан «2-3 рейс тош олиб келасан, кейин ўз ишингга борасан», деб буйруқ беришади. Ёки район, область ва бошқа юқори ташкилотлардан раҳбарлар келадиган бўлса, «озодаликка эътибор берайлик» дейишади-да, барчани кўча-кўйларни тозалатишга сафарбар қилишади. Натижада мутахассислар, бухгалтерия ходимлари, гараждаги шофёр ва слесарлар ҳам ўз вазифаларини вақтида, сифатли бажара олмайдилар.

Аслида бундай юмушлар учун белгиланган бригадалар бор. Шартномалар ҳам мавжуд. Лекин кўпинча уларнинг ишини хўжалик мутахассислари ва бошқа касб эгалари қилишга мажбур бўлишади. Устига-устак, йил охирида ўша бригадаларнинг аъзолари иш ҳақларидан ташқари мукофот ҳам оладилар. Ёрдам берганларга эса ҳеч вақо.

Менинг шахсий фикрим, ҳар бир бригада, мутахассис ёки ишчи-хизматчи ўзига биркитилган ишни ўзи бажарсин.

**Я. НУРИДДИНОВ,**
**Қўшработ районидаги Киров номли совхоз катта зоотехниги.**

*• Сўз — қайта қуриш тарафдорларига*

## Мен ишлашни хоҳлайман

Пенсияга чиққанимга икки йил бўлди. 7 фарзандимдан 4 тасини уйли-жойли қилдим. Қолган 3 таси ёш. Уларни ҳам уйлашим, чиқаришим керак. Ўтган йилнинг охирида Ҳабибулло ўғлим армиядан қайтди.

Шу йилнинг апрель ойида совхоз директори А. Болтахўжаевга ариза ёзиб пудратга ер беришни сўрадим. Лекин ер беришмади. Армиядан келган ўғлим ҳам бекорчи. Бахтиёрим ўтган йили мактабни битирди.

Ўзим қирқ йилдан бери деҳқончилик қиламан. 1979 йил совхознинг Учёғоч адирларидан 6 гектар янги ер ўзлаштирдим. У ерга сув етказиб бериш жуда қийин. Шунинг учун 50 метр масофага ариқни ёнимдан харжлаб, бетон қилдим. Сув ерга шимилмай борадиган бўлди. Шундан кейин 20 гектар янги ерда деҳқончилик қилдим. Ҳосил яхши бўлди. Шу билан бирга 2,5 гектар ерда боғ ҳам яратдим. Аммо кейин сув таъминоти ёмонлашди. 1980 йил обком секретари менинг даламга бориб қолди. Меҳнатимни кўриб «раҳмат» деди. Хўжалик раҳбарлари ёрдам беришмаётганини айтдим. Обком секретарининг ёрдами билан насосдан сув олиб берилди.

Бироқ кейин иш яна чаппасига кетди. «Нега обком секретарига шикоят қилдинг», — деб мени ишдан ҳайдашди. Аммо ишни ташламадим. Келаси йили август ойида яна ишдан ҳайдашди. Аччиқ устида бир ҳафта ишга чиқмадим. Далага келсам, мен не азоб-уқубатларда кўкартирган тутларнинг ярми чиқариб ташланибди.

Совхоз қурт учун барг сотиб олади. Мен эса хўжаликдан бир тийин талаб қилмай тутзор қилсам-у у суғириб ташланса! Шу ҳам инсофданми?

Шу орада бу ерга яна обком секретари келиб қолди. Қир бағрида яшнаб турган боғни кўриб хурсанд бўлди. Раҳбарларга ариқ кавлатиб беришни айтди. Шу тобдаёқ «Белорусь» ишга тушди. Аммо улар кетишгач, иш тўхтади.

Раҳбарларнинг яна ҳархашаси бошланди. Ўтган йили менга пудратга ер беришмади. Мен «ишлайман!» деб оёқ тираб олдим. Шунда «ҳар гектар адир ердан 30 центнердан пахта топшираман» деб, тилхат ёздириб олишди-да, ер беришди. Ўзим эккан боғдан мева топшириш тўғрисида шартнома тузишди. Ҳаммасига рози бўлдим. Мева пишганда уни олиб кетишмади. Ўзим узиб, боғчаларга олиб бориб бердим. Пахта ерини эса 8 майда беришда. Ҳосил кечки бўлди. Бунинг устига қор эрта ёғди. Ҳамма қатори мен ҳам планни бажармадим.

Қизиқ, қайта қуриш, демократия, пудрат усулини жорий этиш тўғрисида шунчалик кўп гап бўляпти-ю, совхозимизда бу йўналишда ҳеч нарса қилинмаяпти. Хўжалик боғларида одамларга ҳақ тўлашади-ю, планлар бажарилмайди. Мен эса ойлик олмай боғ яратсам-у ҳосили олинмаса? Бепул тут кўчати кўкартирсаму уни кўчириб ташлашса!

Ахир бу — қанақа қайта қуриш! Ваҳолонки, совхозда ишчи кучи етишмайди. Хўжалик ерлари адирларда жойлашгани учун ҳадеганда бу ерга одамлар келавермайди. Шунга қарамай кучга тўлган икки ўғлим билан ишсиз қолдик. Бу тўғрида совхоз партия комитетига айтдим. Натижа бўлмагач, райкомга учрадим. Бу ердан ҳам нажот бўлмади. Энди кимга мурожаат қилай?

**Аҳмаджон ХОЛБЕКОВ,**
**Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг собиқ ишчиси.**

## Янгилик бор жойда самара бўлади

Колхозимиз аъзоларининг аксарияти шу йил бошиданоқ бригада, звено ва оилавий пудрат усулида ишлашга кўчишди. Жумладан, бизнинг бригадамиз коллективи ҳам ёппасига оилавий пудратга ўтди ва сарф-харажатда чек формасини жорий этди. Алмашлаб экиш схемаси асосида 70 гектар майдонда пахта, 19 гектар ерда беда, 8 гектарда силос учун маккажўхори, 6 гектарда сабзавот-полиз экинларини парвариш қиляпмиз. Деҳқонларимизга пахтачилик учун 33082 сўм, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинлари учун 3674 сўм, жами — 36756 сўм меҳнат ҳақи фонди белгилаб берилган.

Шунингдек, ҳар бир оилага деҳқончилик турига қараб, иш ҳақи фонди ва планни ошириб бажарганлиги учун қўшимча даромад ҳам аниқ ҳисоблаб чиқилди.

Масалан, Шомурот Матниязов оиласи 7,2 гектар ернинг ҳар гектаридан 26,3 центнердан, жами 19 тонна пахта етказиб беришга шартнома тузган. Унинг оиласига 3400 сўм иш ҳақи белгилаб берилди. Агар ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 5 центнер ошса, 1107 сўм, 10 цетнер ошган тақдирда 2672 сўм қўшимча даромад олиши мумкин.

**Т. СОБИРОВ,**
**Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги «Партия XIX съезди» колхози алмашлаб экиш бригадаси бошлиғи.**

## Деҳқон ҳам, давлат ҳам манфаатдор

Оиламиз билан Поп районидаги «Поп» совхозининг В. Исоқов бошлиқ маккажўхорикорлик бригадасида меҳнат қиламиз. Пудрат усулида бу йил 9 гектар майдонга маккажўхори экдик. Ҳар гектар ердан 50 центнердан, жами 45 тонна маҳсулот етиштиришга аҳд қилганмиз.

Бунинг учун аввало эрта кўкламдан гектарларнинг тўла, кўчат сонининг бутун бўлишига ҳаракат қилдик. Ҳар гектар ерда 55-60 минг туп кўчат бўлиши таъминланди. Ҳозир бутун диққат-эътиборни ўсимлик парваришини оби-тобида ўтказишга қаратганмиз. Ҳозиргача агротехника қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда маккажўхори қатор ораларига икки марта ўғит солиниб, сифатли ишлов берилди. Меҳнатимиз зое кетмаяпти, чамаси. Ниҳоллар баравж, мўл ҳосилдан далолат бериб турибди.

Мақсадимиз — гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтариб, зиммага олинган социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажаришдир.

**К. ЖЎРАЕВ,**
**Поп районидаги «Поп» совхози оилавий звеноси бошлиғи.**

*• Экологиянинг ўткир қирраси*

# СУВНИ ТЕЖАШ — ОРОЛНИНГ АСОСИЙ РЕЗЕРВИ

Жамоатчиликнинг Орол денгизи ва Оролбўйи муаммосига ташвишланиб, диққат билан эътибор бераётганлиги табиатга бу қадар қаттиқ ҳамдард бўлаётган совет кишисига нисбатан чуқур ҳурмат эҳтиром туйғуларини уйғотади.

Ўрта Осиёда суғоришни ва сув хўжалиги қурилишини интенсив ривожланишини ҳавзадан сув олишни кўпайтирмай ва Оролга тушадиган сувни камайтирмай тасаввур этиб бўлмайди. Денгиз сатҳи пасая бошлаганидан бери ўтган 26 йил ичида регион аграр секторининг маҳсулот ҳажми йилига 8 миллиард сўмлик кўпайди, сув хўжалиги комплексининг ривожлантирилиши билан боғлиқ тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда йилига 20 миллиард сўмликдан зиёдроқ кўпайди. Доимо камайтириб борилганида ҳам Оролнинг тақдири маълум эди — саноатнинг ўзидагина бундай камайиш қарийб икки баравар, энергетикада 1,5 баравар, қишлоқ хўжалигида 30 процент бўлди, — хуллас, денгиз сатҳини табиий даражада сақлаш учун унга камида 60 куб километр сув тушиши талаб этиларди ва Сирдарё билан Амударёнинг юқорисидан олинувчи ҳар куб метр сув Оролдан ҳам олинганини билдирарди.

Суғоришда ва айниқса, сув ресурсларини бошқаришда катта камчиликлар бор эдики, улар денгиз сатҳининг пасайиш суръатлари ортишига олиб келарди, албатта. 1982 йилда сувдан фойдаланишга қаттиқ чек қўйилгач, умумий ҳажмда суғоришга кетадиган сувнинг солиштирма сарфи 1987 йилга бориб гектарига 5 минг куб метр камайди.

Бу тартиб 1965 йилдан жорий этилганида денгизга тушадиган сувни амалда бўлганига нисбатан қарийб 100 куб километр кўпайтириш мумкин бўлур эди.

Сариқамиш, Денгизкўл ва чўлдаги бошқа кўпгина ҳавзаларни тўлдириш ўрнига оқава сувнинг ҳаммасини коллекторлар орқали Оролга бериш зарурати тўғрисида гапираётган кишилар ҳам ҳақдирлар, бу нарса Оролга яна 50 — 60 куб километр сув берган бўлур эди. Ҳолбуки, 1965—1982 йилларда маблағ тежаш кетидан қувиш ва сув тартибининг бузилиши оқибатида денгиз сатҳининг пасайиш суръатлари кутилаётганидан 5-6 метр ортиқ бўлди.

Орол денгизи дарҳақиқат ғоят танг аҳволга келиб қолди, ўзининг аввалги балиқ хўжалиги, транспорт ва чорвачилик аҳамиятини йўқотди, салбий гидрогеологик таъсири кучайди, чунки илгари сувли бутун мансаб (дельта) чўлга айланувчи территория бўлиб қолди. Шамол учираётган туз ва чанг майдони унча катта бўлмай, денгиздан 300 километр масофага бориб қолди. Денгиз қирғоғи чекиниб борган сайин дастлабки йилларда туз ва чанг тўзони учиши кучайиб, кейинчалик у бўшашади. Иқлим ўзгаришлари ҳам ортиқча муболаға қилинмоқда. Гидрометеорология хизмати 40 йиллик кузатишлари муфассал ўрганиб чиқилганида денгиз ёқалаб 40 — 60 километр масофадаги чекланган полосадагина ҳарорат 1,5 — 2 градус кўтарилиб, ҳавонинг намлиги пасайганлиги маълум бўлди.

Шу муносабат билан иқлимнинг бирон ялпи ўзгариши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки шу зона устида катта кўламда намлик қочиши ҳиссаси 6 процентга ҳам бормайди.

Амударё мансабида Оролбўйи балиқ хўжалиги ва табиий комплексига етадиган умумий зарар юз миллион сўм, деб чамаланади. Ҳозир мўлжалланаётган ва лойиҳаланаётган компенсацион ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг ҳаммаси денгиз сатҳининг пасайиши сезилиши биланоқ амалга оширила бошланганда бу зарар миқдори анча камроқ бўлиши ва натижа балиқ хўжалигини, ондатрачиликни, чорвачиликни, шунингдек мансаб бутун табиий комплексини сақлаш мумкин бўлур эди.

Денгизни ҳатто мавжуд чегараларда сақлаб қолиш учун йилига 40 куб километр сув келиб туриши талаб этилади. Аммо, ҳозир халқ хўжалигига катта зиён етказмай туриб, бунча сувни тўплаб бўлмайди. Сув ўртача бўлган йилда денгизга эмас, мансабга атиги беш куб километр сув бериш мумкин, холос. Бу мусаффо дарё сувидан ҳамда коллекторлардан йиғилади. Ҳатто серсув келган ўтган йили мансабга қарийб 10 куб километр сув тушганида ҳам денгиз сатҳи пасайиши 0,70 метрдан ортиқ бўлди.

Ҳозир Оролдан кўра Оролбўйига эътибор берилмоғи лозим, зеро, салбий ҳоллар асосан Оролбўйида намоён бўлмоқда. Денгиз чегараси Мўйноқдан 80 ёки 120 километр чекиниши ўртасида катта фарқ йўқ ва бўлмайди ҳам — Мўйноқ атрофларида бу нарса ҳеч бир енгиллаштирувчи таъсир кўрсатмайди. Мансабнинг тобора чўлга айлана бориши кишини жуда ташвишлантирмоқда. Ҳозир тўқайларни ҳам, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳам сақлаб қолиш, ондатра хўжалиги, яйлов чорвачилигини тиклаш имконияти ҳали бор.

Бутун Оролбўйига, шу жумладан Қорақалпоғистон, Хоразмга, Туркманистоннинг Тошовуз областига сув келиши камайиши муносабати билан суғоришнинг ювиш режими озайди, баъзи жойларда туз тез йиғила бошлади. Шунга йўл қўймаслик учун суғориладиган ерларга сув бериш озайганида ёпиқ зовурларни тез кўпайтириш зарур. Ҳозир бу ерда зовур қувурларини ётқизувчи ўнлаб машина ишлаб турибди. Бироқ йил бўйи ишлаш ташкил этилмаганлиги сабабли улардан тузук фойдаланилмаяпти. Хоразмдаги Шовот районининг деҳқонлари фаолияти, ерга ҳақиқий омилкорлик билан муносабатда бўлиши бунга мисол бўла олади. Бу ерда хандақсиз зовурлар тўппа-тўғри пахта далаларидан ўтган бўлиб, қисқа муддат ичида 46 километр зовур қувурлари ётқизилган. Бошқа районларда ҳам ишлар шундай ташкил этилса, бир йилда минг километрдан кўпроқ зовур-қувур тармоқларини қуриш иложи бўларди.

Сизот сув юзасининг пасайиши Оролбўйидаги аҳоли пунктларининг сув таъминотига таъсир этди: ер ости манбаларидан сув бериш камайишидан ташқари сифат жиҳатидан ҳам анча ёмонлашди. Республика ҳукумати сув таъминотидаги аҳволни нормал изга солиш учун Туямўйин-Нукус, Туямўйин-Урганч магистрал ичимлик сув қувур ариқларини ва улардан посёлкалар ва қишлоқлар сари тармоқлар қуришга катта-катта маблағлар ажратди. Ҳозир шу қувур ариқлар трассаларидаги ишлар тезкорлик билан олиб борилмоқда, юзлаб кранлар ва экскаваторлар метин қувурларни ётқизиб, уларни изоляция қилмоқда ва текшириб кўрмоқда. Шу йил Нукусни сув билан таъминлашга доир ҳамма ишларни бажариш, 1990 йилга бориб эса автоном республика кўпчилик районларида шу ишларни тугатиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари сувни чучуклаштирувчи дастлабки қурилмалар ўрнатиб чиқиш мўлжалланади. Главсредазирсовхозстрой уларни энг олис жойларга, юзлаб энг кичик қишлоқлар ва посёлкаларга ўрнатиб чиқди.

Мансабни умуман ва айниқса Мўйноқ районида тиклаш учун Қорақалпоғистоннинг тўртта асосий коллектори жадал суръатлар билан қурилмоқда. Улар бу ерга сизот суви ва оқава сув бериши керак. Ҳозирги вақтда экскаваторлар ва землесослар ёнида портлатувчилар ишга тушиб, ери қаттиқ участкаларни бўшатиб беришда кўмаклашмоқдалар. Йил охиригача икки коллектор мансаб этаги билан денгиз бўйига сув берадиган бўлади. Лекин ҳозир Судочье кўли орқали берилаётган сўл қирғоқ коллектор суви билан 25 минг гектар чамаси майдонли собиқ мансабнинг ғарбий қисмига сув бостирилмоқда. Бу ерда қамишзорлар ҳамда бир қанча ем-хашак экинларини суғориш ташкил қилинган. Яйлов чорвачилиги интенсив равишда тиклана бошлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков раислигида тузилган комиссия мансабдаги экологик вазиятни яхшилаш борасида биринчи навбатдаги тадбир-чораларни белгилаб чиқмоқда. Вақтинча тўғон қурилиб, дарё суви сифонлар орқали Мўйноққа берилади ва айни маҳалда коллектор суви билан аралаштирилиб балиқчилик учун ҳавзалар яратишда, ондатра хўжалигини тиклашда ҳамда қўйчилик ва боғдорчилик учун 150—200 гектар ерни суғориб туришда фойдаланилади. Булар ишларнинг бошланиши холос. Қилинадиган ишлар тўла комплексини ҳозир СССР Госпланининг давлат экспертизаси ва мамлакат ҳукумати кўриб чиқмоқда ва тасдиқламоқда. Ёзувчиларнинг яқинда эълон этилган мурожаатномасида шулар ҳақида ёзилганди. Бироқ бу ишлар анчагина давлат маблағи сарфланишини тақозо этади.

Орол ва сувдан фойдаланиш — денгиз ҳавзасидаги ёлғиз табиий сув ресурсининг бир-бирига боғлиқ икки томони бўлиб, сув қанча кўп сарфланса, у Оролга шунча оз келади. Шунинг учун ҳам Оролни қутқариш комитетининг чақириғини бутунлай ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз: сувни ҳар бир одам, ҳар бир ташкилот ва ҳар бир хўжалик қўлидан келадиган барча чоралар билан тежаши керак.

Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сув ресурсларидан фойдаланиш схемаларига мувофиқ. сув қатъий лимитлари жорий этилганидан кейинги йилларда сувнинг умумий солиштирма сарфи гектарига 13,7 минг куб метрга қадар камайди. Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд областларида каналларнинг бош қулоғидан солиштирма сув олиш гектар бошига 10 минг куб метрдан ортмаяпти! Бу нарса бу ерда далаларга берилувчи суғориш нормаси биологик эҳтиёжга қарийб бараварлигидан далолат беради. Умуман республика бўйича олганда ҳам мурожаатномада айтилганидек, пахта далаларида 15 минг куб метрдан, шолипояларда эса 45—50 минг куб метрдан кўп сув сарфланаётгани йўқ.

1982 йилдан бери ўтган давр ичида сув хўжалигининг ходимлари ва дала меҳнаткашлари сув тежашнинг мутлақо янги усулларини қўлламоқдалар: ҳамма ерда шўр ювиш яхоб бериш билан биргаликда олиб борилмоқда, «чиниқтириш» методи деб аталмиш метод кенг ёйилган бўлиб, унинг ёрдамида биринчи суғориш намлик запасларининг миқдори жиҳатидан суғориш графигига мувофиқ 25 май — 6 июнь ўрнига 10—20 июнгача сурилган. Ҳозирнинг ўзида ҳам резервлар бор: ғўза парваришидаги суғориш муддатлари чўзилиб кетишига йўл қўймаслик, тунда суғориш, қўсаклар етилиб, очилиш вақтида суғориш каби ножўя ишларни тўхтатиш шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, биз йилнинг сув энг кўп бўлган даврига кирдик. Сув омборларини тўлдириб олиб, Оролга 10 куб километрдан кўпроқ сув ташлашимиз мумкин бўлди. Сувчилар бу стратегияни бундан буён ҳам амалга ошириб бораверадилар. Серсув келган йилларда республика хўжалик ташкилотлари ва ҳар бир гражданиннинг сувни тежашга эътиборини бўшаштириб юбормаслиги ғоятда муҳимдир.

1986 йили Ўзбекистонда сувни тежайдиган тадбирлар катта программаси қабул қилинди. Шу программага мувофиқ зовур қувурлар ётқизиш суръатлари 1987 йилдаёқ икки баравар кўпайди, 1990 йилга бориб эса ҳар йили ишга тушириладиган зовурли майдонлар 150 минг гектарга етади. Бунинг учун ҳар йили зовур қувур ётқизадиган 30 та машина ва 2 минг километр полиэтилен зовур қувурлар тайёрлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қарши заводи ишга туширилгач, бундай қувур тайёрлаш йилига 7 минг километрга етади.

Янги суғориш техникаси 1988 йилнинг биринчи ярмидаёқ 44 минг гектар майдонда жорий этилди. Улар эгилувчан, қаттиқ алюминий қувурлардан, мутлақо янги хил суғориш мосламалари ва машиналаридан иборат бўлиб, 1987 йилда Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан яратилгандир.

Мана уч йилдирки, суғориладиган янги ерларни тайёрлаш суръатлари уч баравардан зиёд камайди ва шу маблағлар ҳисобидан оқпалак ерларни комплекс равишда реконструкциялаш кенг қулоч ёйдириб юборилди ва у суғориладиган гектар маҳсулдорлигини кескин равишда юксалтиришга имкон бермоқда.

Ишга туширилган сув балансини автомат бошқариш «Сирдарё» системаси асосида шу дарё ва Амударё ҳавзаларининг бош бошқармалари тузилди ва улар ҳавзаларда сувдан оқилона фойдаланиш ва уни тақсимлашни назорат этиш ишларини олиб бормоқда.

Аммо, бу гаплар ҳамма резервлар ишга солинди, дегани эмас. Дарҳақиқат, бутун халқнинг ижодий активлиги сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланишга қаратилса, кўп ишлар қилиш мумкин ва зарур. Регионнинг доимо ўсиб бораётган эҳтиёжларини Сибирь суви келгунича сувни тежаш йўли билангина бартараф эта оламиз.

**К. И. ЛАПКИН,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.**

**О. В. ЛЕБЕДЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республика Фанлар академиясининг вице-президенти, Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.**

**В. А. ДУХОВНИЙ,**
**техника фанлари кандидати, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати.**

